



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (12.702)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги «Бегим текстиль» масъулияти чекланган жамиятида доимо иш қизгин. Буюртмаларни ўз вақтида бажаришга ўрганган корхонанинг чевар қизлари қўли-қўлига тегмасдан меҳнат қилишади. Улар яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган шахмат бўйича 6-12 ёшли болалар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этган вакилларимиз учун спорт либослари тайёрлаб беришди. Шунингдек, меҳмон бўлиб келган қарийб икки юзга яқин Осиё чемпионати иштирокчилари учун совға ҳам тайёрладилар.



ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Корхона раҳбари, ёш тадбиркор Ваҳобжон Зайдуллаев жорий йилда ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сергели филиалидан 600 миллион сўмлик кредит олиб, тикувчилик корхонасини ташкил этди. Истемолчиларга турли хилдаги трикотаж маҳсулотлари етказиб беришни мақсад қилган тадбиркор ҳозирда буюртма асосида турли хилдаги футболкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ишчилар сони қирқ кишига етди.

— Мана, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш арафасида турибмиз. Албатта, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилди. Ана шундай ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар қўлами ва самарадорлиги кенгайиб бораётганлиги қувонарлидир, — дейди В.Зайдуллаев. — Банкдан олган кредит эвазига Япониядан замонавий тикув машинаси, бичиш ва вешовка тикадиган ускуна харид қилдик. Миллий хом ашёдан тайёрланган матоларни ўзимизга керакли микдорда ва рангда маҳаллий корхоналардан улгуржи нархларда харид қилмоқдамиз.

Ёш тадбиркор ўз бизнесини бошлашдан олдин ички ва ташқи бозорни астойдил ўрганди. Бунда эса унинг иқтисодиёт университетининг халқаро бизнес менежменти йўналишида таҳсил олгани қўл келди. Ёшлигидан ўзининг ишлаб чиқариш корхонаси бўлишини, шу орқали юрт иқтисодиётининг юксалишига ҳисса қўлиш истагидаги ёш тадбиркор дастлабки қадамлариданоқ давлат ҳимоясини, эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилмоқда.

— Бу жиҳатлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун берилаётган мадад — имтиёзли кредитлар ҳажми ва салмоғи ошаётганида ҳам намоян бўлмоқда, — дейди тадбиркор. — Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби жуда содда. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси йилдан йилга қисқариб, янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддатлари узайтирилмоқда. Мазкур енгилликлар ҳам бизлар учун рағбат-да. Сармоямизнинг бир йиллик имтиёзли даври бор. Менинг назаримда бу ҳам корхона ўзини тиклаб олиши учун яна бир ёрдам.

Ҳа, тадбиркор интилишига қанот бағишланса, бунёдкорлик ташаббуслари янада кенг қўл очилади. Нимадир яратишдан завқ олган инсон жамиятга наф келтириш билан бирга, ўз ҳаёт мазмунини ҳам англаб етади. Рағбатда барака мўл.

Корхонада нархи ва сифати билан хорижий корхоналар билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар микдорини ошириш истагидаги изланувчан тадбиркор Марғилон шаҳридан тўрт нафар уста хунарманд, мохир тикувчиларни ишга тақлиф қилди. Шу тарика корхонада тикувчилик мактаби яратилди.

— 30 йилдан буён шахримиздаги йирик тикувчилик корхоналарида фаолият юритиб келаётирман, — дейди устоз тикувчилардан бири Мукаррамхон Эгамбердиева. — Ваҳобжоннинг тақлифи билан корхонага келганимизга тўрт ой бўлди. Бу даврда Учтепа туманидаги касб-хунар коллежларидан амалиётга келган ва корхонада тикувчи бўлиб ишлаш истагидаги қизларга тикувчилик сирларини ўргатиб, маҳорат мактабларини ўтаётимиз. Ҳозирги ёшлар анча укувли, улар тезда сифатли чок тикиш сирларини ўрганиб, чиройли либослар тикишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

17 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Депутатлар ўз ишини «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошладилар. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлашни назарда тутувчи 117-моддасига киритилган тузатишларни амалда рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг бошқа давлат ҳокимияти органларининг ҳеч бир аралашувисиз сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи мустақил демократик институт сифатидаги мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш сайловларнинг демократлиги ва очик-ойдинлигини таъминлашнинг муҳим кафолати ва шартидир.

Қонун лойиҳасида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлаш ва ваколатларини янада кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик каби асосий принципларининг мазмун-моҳияти очиб берилмоқда. Мустақиллик принципи Марказий

сайлов комиссиясининг фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб боришни кўзда tutади. Унинг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ошкоралик принципи Марказий сайлов комиссияси мажлисларининг очик тарзда, шу жумладан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирокида ўтказилишини ўзида ифода этади.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг асосли фикрларини баён этдилар.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 17 июль кuni Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Тадбирда икки мамлакатнинг вазирлик ва идоралари, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, олим ва мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Шавкат Солихов ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори илм-фан йўналишида ҳам жадал тараққий этаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитидаги иштироки ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасида изчил ривожланиб бораётган икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2011 йили Пекинда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси икки мамлакатнинг илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртли ва хусусий компаниялари ўртасида фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Қўмита мажлисларида Ўзбекистон ва Хитой илмий-техникавий ҳамжамиятлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, илмий-техникавий имкониятлардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилаётди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган ҳудудий семинар ўтказилди. Семинарда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурининг мазмун-моҳияти, сайлов қонунчилигидаги ўзгариш ва янгилликлар хусусида сўз юритилди.

• Наманган вилояти Чортоқ туманидаги «Намсибагробизнес» қўшма корхонасида мева-сабзавотларни sanoat усулида қуришиш йўлга қўйилди. Натижада 10 дан зиёд ёш иш билан таъминланди. «Намсибагробизнес» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган қурилган мева-сабзавотларнинг 60 фоизини экспорт қилиш режалаштирилган. 200 миллион сўм микдорида сармоя йўналтирилиб, хорижнинг замонавий технологияси ўрнатилган корхонада йилига 250 тоннадан зиёд қурилган мева ва сабзавот тайёрланади.

• Сурхондарё вилояти Музрабод тумани Наврўз маҳалласида «Гулшанатекс» хусусий корхонаси иш бошлади. Корхонада махсус ишчи кийимлари, ятак, чойшаб ва бошқа бир неча турдаги енгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

• Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-га киритилган ўзгартишлар мазмун-моҳияти тарғиботи юзасидан семинар ўтказилди. Семинар доирасида «Ҳаром луқманинг касри» фильми намойиш этилди.



• Филиппинда рўй берган «Гленда» тўфони оқибатида ўттиз саккиз киши ҳаётдан кўз юмди. Саккиз нафар одам эса бедарак йўқолган. «Channel News Asia» телеканали хабарига қараганда, қурбонлар сони яна ортиши мумкин. Чунки табиий офат натижасида бир қатор ҳудудлар билан алоқа узилган бўлиб, ҳали бу борада тўлиқ маълумот олинганича йўқ.

• Яқин олти йил ичида Норвегия бутунлай нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига ўтади. Бунинг мамлакатда йирик банклар, суғурта компаниялари ҳам маъқуллаган. Чунки шундай тизимнинг жорий этилиши молия муассасаларида амалга оширилиши мумкин бўлган иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ҳамда пул чиқариш учун сарфланадиган харажатларни тежаш имконини беради.

• АҚШнинг «IBM» компанияси маҳаллий «Apple» корпорацияси билан ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олди. Ўзаро тузилган битимга кўра, «IBM» «iPhone» ва «iPad»лар учун бир қатор дастурлар етказиб беради. Чакана савдо, соғлиқни сақлаш, банк иши, туризм, транспорт ва телекоммуникация каби соҳаларга мўлжалланган 100 дан зиёд ана шундай дастурлардан «Apple» бизнес-мижозлари фойдаланишлари мумкин.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКISTON** Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида

«Йилнинг энг фаол ёш геологи» республика танлови бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Миробод туманидаги 125-умумтаълим мактаби

қошида очилган «Болажон» номли кундузги болалар оромгоҳида «Зумраднинг саргузаштлари» номли театрлашган томоша ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

